



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
кељагаи  
буюк  
давлат

## 2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 25 май, № 107 (8169)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## МАКТАБЛАРНИ БИТИРУВЧИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗГА

Қадрли мактаб битирувчилари!  
Сизларни мактаб таълимини муваффақиятли тугатиб, мустақил ҳаётга — умрингизнинг янада гўзал ва масъулиятли босқичига қадам қўяётганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Мамлакатимиздаги барча умумтаълим даргоҳларида “сўнгги кўнғироқ”лар янграб, қадрдон мактабингиз, меҳрибон устозларингиз билан хайрлашув тадбирлари ўтказилаётган ушбу қувончли ва гоёт ҳаяжонли дамларда ҳаммангизга келгуси ҳаётда улкан ютуқ ва омадлар тилайман.

Умид ва ишонч рамзи бўлган етуқлик шаходатномалари барчангизга муборак бўлсин!

Азиз болаларим!

Бу йил республикамизда 390 минг нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар умумтаълим мактабларини битирмоқда. Ҳеч шубҳасиз, ўз билим ва истеъдодини Ватанимиз ва халқимизга муносиб фарзанд бўлишдек олижаноб максادلарга сарфлашга чоғланиб турган сиздек тиришқоч ва интилувчан фарзандларимиз — бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, Янги Ўзбекистоннинг олтин фонди, бебаҳо хазинасидир.

Албатта, бугун юртимизда мактаб битирувчилари билан бирга, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийлар учун ҳам унутилмас кундир. Ушбу қувончли айёмда уларни ҳам чин дилдан қўлаб, барчасига эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

Сўнгги йилларда мактабгача таълим, олий ва ўрта махсус таълим тизими сифат жиҳатидан кескин ўзгарди. Айниқса, мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиб, бу борада туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда юртимизда 10 мингдан зиёд давлат умумтаълим мактаблари билан бирга, кўплаб нодавлат, давлат-хусусий шериклик шаклидаги мактаблар, Президент, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари фаолият юритаётгани ушбу тизимда қисқа муддатда чуқур таркибий ва сифат ўзгаришлари юз берганини кўрсатади.

Биргина ўтган йилда 3,3 триллион сўм маблағ ҳисобидан 789 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Халқаро фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз қўлга киритган медаллар сони 3 баробар, минтақавий олимпиадаларда эса, қарийб 2 баробар кўпайгани, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 900 мингдан зиёд ўқувчи дастурлаш асосларини ўрганиб, сертификатга эга бўлгани барчамизни хурсанд қилади.

Бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган жонқуар ўқитувчилар, устоз-мураббийлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, уларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилаш, жамиятдаги обрў-эътиборини оширишга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Тараққий топган давлатлар тажрибаси асосида мактаб таълими учун ўқув дастури ва дарсликлар янгиланмоқда. Айниқса, умумтаълим мактаблари учун 326 номда ўқув-методик мажмуалар, ўқитувчилар китоби ҳамда машқ дафтарлари яратилгани муҳим қадам бўлди.

Юртимиздаги барча мактаблар юқори тезликдаги оптик толали интернет тармоғига уланиб, локал тармоқ ҳамда Wi-Fi ускуналари ўрнатилди.

Шунингдек, ҳозирги нотинч замонда фарзандларимизни юксак маънавият эгалари, чинакам ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Кенг

қўламдаги маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда, ёшларимиз ўртасида китобхонлиқни қучайтириш, уларни адабиёт, санъат ва спорт тўғрақларида янада фаол жалб этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Азиз фарзандларим!

Кейинги пайтда халқимиз, айниқса, униб-ўсиб келаётган сиз каби ёшларимиз учун Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакатига айланиб бормоқда. Республикаимизда фаолият кўрсатаётган 162 та олий ўқув юрти, кўплаб касб-хунар мактаблари, коллеж ва техникумлар келгусида сизларнинг ўзингиз танлаган соҳалар бўйича етуқ кадр ва малакали мутахассис бўлишингиз учун хизмат қилади.

Шунингдек, 78 та олий таълим муассасасида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, олий маълумот олиш ҳамда масофавий таълим шаклида кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилдаги 9 фоиздан бу йил 38 фоизга етказилди.

Юртимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўқувчилар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари, ногиронлиги бўлган болалар учун профессионал таълим тизимида алоҳида имкониятлар яратилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, 2020/2021 ўқув йилида коллеж ва техникумларга тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган 1157 нафар, 2021/2022 ўқув йилида эса 1433 нафар ўқувчи қабул параметрларидан ташқари қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

Аминман, сизлар ана шундай имкониятлар асосида етуқ мутахассислар бўлиб, келгусида юртимиздаги замонавий кластерлар, фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш корхоналари, катта-катта қурилишлар, фирма ва компаниялар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, маданий ва иқидий жамоаларда иш бошлайсиз ва Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини оширишга албатта муносиб ҳисса қўшасиз.

Муҳтасар айтганда, мактабни битириб чиқаётган йигит-қизларимизнинг ҳар бири эл-юртимизнинг меҳри ва эътиборида бўлади. Бу борада жойларда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, сектор раҳбарлари, маҳалла жамоатчилиги ота-оналар ва устозларингиз билан биргаликда сизларга яқин кўмакчи ва маслаҳатчи бўлади.

Мана шундай шуқуҳли онларда сиз, азиз фарзандларимни мактаб таълимини муваффақиятли тамомлаб, ҳаётингизда дастлабки муҳим довондан ошганингиз билан яна бир бор табриклайман.

Ҳеч қачон унутманг, келажакда сизни янада улкан ва масъулиятли марралар кутмоқда. Олдингизга аниқ мақсад қўйиб, бор қуч-ғайратингиз, билим ва салоҳиятингиз билан ҳаракат қилсангиз, кўзлаган чўққиларга албатта эришасиз.

Барчангизга ишда ва ўқишда, шахсий ҳаётда катта ютуқ ва омадлар тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг!

Интилиб, изланиб яшашдан асло тўхтаманг!

Бахт ва омад ҳамиса ҳамроҳингиз бўлсин, азиз ўғил-қизларим!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

## НЕФТЬ-ГАЗ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ Кўриб чиқилди

Президент Шавкат Мирзиёев  
24 май куни нефть-газ хомашёсини  
қазиб олиш ва маҳсулот ишлаб  
чиқаришни кенгайтириш масалалари  
муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизнинг Тараққиёт стратегиясида иқтисодиётни либераллаштириш ва саноатнинг етакчи тармоқларини трансформация қилиш бўйича мақсадлар белгиланган. Жумладан, нефть-газ соҳасида ҳам трансформация жараёнлари бошланган.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари, аввало, шу масалага эътибор қаратиб, бу жараёни жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади. Халқаро консультантларни жалб қилиб, стратегик ёндашувларни белгилаб олиш, нефть-газ соҳасида ҳисоб-китоб механизмлари шаффофлигини таъминлаш вазифалари қўйилди.

Корхоналарни молиявий соғломлаштириш, операцияцион самарадорлиқни ошириш орқали халқ

## ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат Мирзиёев 24 май куни  
Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин  
билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш, икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўтган йил ноябрь ойида Москва шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашувда эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йил бошидан фаол мулоқотлар ва ўзаро таширфлар суръати ошгани мамнуният билан қайд этилди. Март ойи охирида биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳамда апрель ойида Ўзбекистон пойтахтида янги минтақавий форматда ташкил этилган “Иннопром” халқаро саноат кўргазмаси доирасида икки томонлама тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

Саноат кооперацияси бўйича устувор

лойиҳалар давом эттирилмоқда. Жорий йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми 40 фоиз ошди.

Гуманитар ҳамкорликка доир, шу жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, туризм ва спорт соҳаларида муҳим дастурлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Россия етакчилари ишбилармон доиралар ўртасидаги кооперация алоқаларини чуқурлаштириш ва худудлараро алоқаларнинг катта салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳимлигини қайд этдилар.

Минтақавий кун тартиби ва халқаро сиёсат масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Икки мамлакат Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек очиклик, ишонч ва дўстлик руҳида ўтди.

Ў.А.

### Жараён



Аввал хабар берганимиздек, шу йилнинг 20 май куни Олий Мажлис Сенати Кенгаши ва Қонунчилик палатаси Кенгашининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Конституциясига ўзгартариш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия тузилди. Комиссия таркибига жамиятимизнинг турли қатламларидан, хусусан, депутатлар, сенаторлар, барча худудлардан, фуқаролик жамияти институтларидан вакиллар, ҳуқуқшунослар, сиёсатшунос ва экспертлар киритилди.



## БОҚИМАНДАЛИК БАЛОСИ

УНДАН ҚАЧОН ХАЛОС БЎЛАМИЗ?

Атоқли маърифатпарвар жадид Абдулҳамид Чўлпоннинг адабий қаҳрамонларидан бири танбал, боқибегам замондошларига қарата: “Мунча-ям ишёқмассизлар, биродарлар?!” дея алам билан хитоб қилган эди. Бугун замон ўзгариб, янги даврда яшаётган элнинг улам аждодларимизни қийнаган бу иллатдан буткул халос бўлди, дея олмаймиз. Аксинча, ҳамюртларимиз орасида, халқимиз таъбири билан айтганда, “берсанг — ейман, урсанг — ўламан” қабилида ҳаёт кечириётганлар ҳам, афсуски, топилади.

Тиббий нуктаи назардан, агар касаллик вақтида даволанмаса, у бутун организмни гораёт этади. Шундай экан, жамиятимизни бундай дарддан қутқариш учун боқимандалик кайфиятидаги инсонларнинг тафаккурини, дунёқараши-ни ўзгартариш, уларда касб-хунар эгаллаб, меҳнат қилиб кун кечириш қўникмаларини шакллантириш зарур. Бу, уddаласа бўладиган иш.



### Мушоҳада

Одамлар оғирини  
енгиллаштираётган  
тизим

Мамлакатимизда кейинги йилларда халқ билан мулоқот асосида муаммоларни ҳал этиш, ҳар бир инсон, оила учун муносиб турмуш шароити яратиш, шу тариқа одамларнинг ислохотлар жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида мутлақо янги тизим яратилди.



### Сенат ялпи мажлиси олдида

## ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ТАЪСИР ҚИЛАДИ

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда парламент юқори палатасининг йиғирима олтинчи ялпи мажлиси муҳокамасига киритилиши режалаштирилган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда юртимизда давлат хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Масалан, хўжалик бошқару-

ви органлари томонидан давлат бошқаруви функцияларини бажариш амалиётидан бутунлай воз кечиш, давлат идоралари ходимлари фаолияти очиклиги, уларни ижтимоий таъминлашнинг замонавий тизимини яратиш бўйича сезиларли чоралар кўриляётир.



(Давоми 2-бетда).



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2) **245<sup>7</sup>-модданинг биринчи қисмидаги** «104<sup>1</sup>, 104<sup>2</sup>-моддаларида, 107-моддасида (қўшлоқ ҳўҳалигига оид қисми), 112-моддасида» деган сўзлар «104<sup>1</sup>, 104<sup>2</sup>, 112-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **268<sup>5</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«268<sup>5</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини ва ҳимояси органлари**

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига ушбу Кодекс 107-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқишга ҳамда жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг бош директори ҳамда унинг ўринбосарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаларининг бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари;

туман (шаҳар) ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлиmlарининг бошлиқлари.

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлиmlмалари томонидан ушбу Кодекс 107-моддасининг иккинчи қисмида ҳамда 108-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади ва ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга қўриб чиқиш учун юборилади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган **«Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»**ги 483–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 239-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 8, 470-модда, № 11, 791-модда; 2021 йил, № 4, 290-модда, 4-сонга илова) **4-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

## ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ТАЪСИР ҚИЛАДИ



◀ Ана шу янгиликларни қонунчиликда тўлиқ ифодалаш мақсадида «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун ишлаб чиқилди. Мазкур қонун давлат фуқаролик хизмати, жумладан, номзодларни очик мустақил танлов орқали саралаб олиш жараёнини комплекс ҳуқуқий тартибга солишни таъминлашни назарда тутати.

Мазкур қонун давлат фуқаролик хизматчиларининг иш самарадорлиги ва компетенциясини баҳоловчи мезонларни ва уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни белгилаб, тўғридан-тўғри таъсир қилиш салоҳиятига эга.

Бу ҳужжат билан давлат фуқаролик хизмати фақат давлат реестрига киритиладиган лавозимларда фаолият юри-

таётган давлат хизматчиларига нисбатан татбиқ этилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, давлат фуқаролик хизматини тартибга солишда давлат органларининг асосий ваколатлари белгиланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа ваколатли давлат органларининг ваколатлари аниқ кўрсатилган.

Ушбу қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида давлат хизмати соҳасини тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси яратилади. Давлат хизматчилари тоифаси, маками, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, масъулиятини ошириш билан боғлиқ масалалар мустақамалаб қўйилишига эришилади.

Яқунда муҳокама этилган масала юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

## ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР КУТИЛГАН САМАРАНИ БЕРМАГАН

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида **«Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси, хусусан, исгазидан заҳарланишнинг олдини олиш бўйича қўрилаётган чоралар муҳокама қилинди.**

Таъкидланганидек, сенаторлар бошчилигидаги ишчи гуруҳлар томонидан олиб борилган ўрганишлар давомида мазкур тармоқда қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Хусусан, 2020 ва 2021 йилларда ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида исгазидан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда 8 миллиондан зиёд хонадонларда иситиш тизими ва дуббурчалар кўрикдан ўтказилган ҳамда бошқа чоралар қўрилган.

Шу билан бирга, мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан исгазидан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича ОАВ, маҳаллалар, таълим муассасалари, ташкилот ва корхоналарда тарғибот тадбирлари уюштирилган. Прокуратура органлари томонидан 105 та текшириш ўтказилган. Аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан мутасадди ташкилотларга 30 дан ортиқ тақдимномалар, 25 та оғохлантирув киритилиб, 25 нафар шахс интизомий ва 4 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.

Сенаторлар томонидан қайд этилганидек, ўтказилаётган профилактик тадбирлар етарли даражада самара бермаган. Оқибатда 2020 йилдан то 2022 йилнинг ўтган давригача исгазидан заҳарланиш билан боғлиқ 428 та ҳолат рўй берган. Натижада 366 нафар фуқаро ва

фот этган ва 307 нафар шахс турли даражада жароҳатланган.

Истеъмолчиларда табиий ва суюлтирилган газ ҳамда муқобил турдаги ёқилгидан фойдаланишда хавфсизлик маданияти шаклланмаганилиги, газда ишловчи қурилмаларнинг дудбурон ва шамоллатиш каналлари соз ҳолатда эмаслиги, сифатли тозаланмагани ва белгиланган муддатда техник кўрикдан ўтказилимаётгани исгазидан заҳарланиш ҳамон кўп учраётганига асосий сабаблардан бўлмоқда.

Шунингдек, миллий қонунчиликда исгази чиқиши, уни бартараф этиш бўйича зарур чоратадбирларни қўриш, аҳолини муҳофаза қилиш, заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш бора-сидаги муносабатларни ўзида ифодаловчи яхлит норматив-ҳуқуқий ҳужжат йўлқўти қан тармоқда ижобий ўзгариш кузатилаётганилигига сабаблардан бири сифатида кўрсатиб ўтилди. Хусусан, амалдаги қонунчиликда исгазидан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олишга масъул бўлган ваколатли давлат органи аниқ белгиланмаган. Табиийки, бу амалиётда турли тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Тадбирда ушбу масала юзасидан Самарқанд вилоятида олиб борилган ўрганиш натижалари ҳам таҳлил қилинди.

«Халқ сўзи».

◀ Бу эса ҳар бир воқеликка нисбатан ўз позицияси, танлаган платформаси ва маслақдошларига эга сиёсий партия ҳамда улاردан сайланган депутатларнинг Бош қўмитаси ислох қилишдаги роли ва масъулиятини оштиради.

Конституциявий ислохотлар, уларнинг аҳамияти ва зарурати ҳамда уларда партиялар электоратининг ҳуқуқ-манфаатлари қай даражада ифода этилиши борасида комиссия таркибидаги депутатларнинг фикр-мулоҳазалари билан кўзичдик.

**Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:**

— Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни қўриб чиқиш юзасидан илк тақдир Президентлигида ЎзЛиДеП номзоди Шавкат Мирзиёевнинг сайловчилар билан Қорақалпоғистоннинг Бўзатов туманида бўлиб ўтган учрашуви чоғида илгари сурилган эди.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимга киришлиш маросимидаги нутқи ҳамда Конституция кўнига бағишланган байрам табригида халқимиз, кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари ва тақлифлари асосида ислохотларимиз мантиғи талаб этаётган конституциявий ислохотларни амалга ошириш масаласи илгари сурилган эди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳам Президентимиз ҳамда жамоатчиликнинг тақлифларини тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда шу йилнинг 16 май куни ўтказилган навбатдаги йилгилишда «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси билан биргаликда Конституцияга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш жараёнини бошлаш тақлифи билан чиқди.

Жойларда сайловчилар билан учрашуларда партияимиз электорати ва хайрихоҳлари билан учраиш асосида, ҳақиқатан ҳам, Бош қўмитасида айрим нормаларни концептуал жиҳатдан ўзгариш зарурати мавжудлигига ишонч ҳосил қилганимиз. Айниқса, партияимизнинг 1 миллионга яқин аъзолари ҳусусий мулк дахлсизлигига доир конституциявий ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш, ер ва ер ости бойлиқларига бўлган меъёрларни аниқлаштириш, иқтимоий соҳага инвестициялар ҳажмини кенгайтиришнинг кафолатлаш масаласини Бош қўмитасида акс эттириш вақти келганини тушуниб турибмиз.

Фикримизча, ҳусусий мулкни ҳурмат қилиш, эркин бозор иқтисодиётларига қатъий амал қилиш тамойилларини Конституцияимизда акс эттириш вақти келди. Зотан, ҳусусий мулк дахлсизлигини, айниқса, ерга эгалик қилиш ҳуқуқини Конституцияда даражасида мустаҳкамлаш иқтисодий ислохотлар жараёнини янги босқичга олиб чиқади.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 февралда қабул қилинган **«Уруғчилик тўғрисида»**ги ЎРҚ–521-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 2, 46-модда, № 11, 791-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **28-моддасининг бешинчи қисмидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекциялари» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган **«Лицензиялаш, рўхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»**ги ЎРҚ–701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгаришлар киритилсин:

1) **16-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«минерал ўғитларнинг, ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ва чакана савдоси бўйича фаолият»;

**тўртинчи – саккизинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи – тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**иккинчи қисмидаги** «Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи – саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган» деган сўзлар «Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи – тўққизинчи хатбошиларида назарда тутилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **1-илова** қуйидаги мазмундаги **50-позиция** билан тўлдирилсин:

|       |                                                                                                                 |                                                                                                           |                                                                   |
|-------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------|
| ◀ 50. | М и н е р а л ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи савдоси | Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи савдоси | Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги |
| »;    | 6 ўй и ч а фаолиятни амалга ошириш учун лицензия                                                                | Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг чакана савдоси  |                                                                   |

3) **2-илова:**

**19-позициясидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**20-позициясидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**102-позициясидаги** «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўҳалиги вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **121-позиция** билан тўлдирилсин:

|        |                                                                                                                          |                                                                                                                                           |                                                                   |
|--------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------|
| « 121. | М и н е р а л ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш учун рўхсатнома | М и н е р а л ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш | Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги |
|--------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------|

**7-модда.** Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**9-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач қучга қиради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 24 май  
№ ЎРҚ–771

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

барча фикрлар ва тақлифларни чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратиладиган бўлди. Жараён жамоатчилик ҳуқуқи ҳавола этилган ҳолда, халқ доғишмандлигига асосланб амалга оширилади. Бу халқимиз хоҳиш-иродаси, оруз-истаклари Бош қўмитада акс этишини таъминловчи муҳим бир имкониятидир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси конституциявий ислохотларни қўллаб-қувватлабгина қолмай, бош дастурий максадлари, сиёсий мафкура-расига таянган ҳолда, дастлабки тақлифларни шакллантириш бўйича таҳлил жараёнларини бошламоқда.

Айтиш жоизки, конституциявий ислохотлар Халқ демократик партияси учун нега муҳимлигини белгилашда дастурий максадга таянишимиз тўғри бўлади. Партияимиз дастурида ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча жаҳасини эркинлаштириш бўйича амалий ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этиши белгиланган. Давлат ва жамиятни кенг қўламли ривожлантиришда эса конституциявий ислохотлар асосий таянч вазифасини ўтади.

Тараққиёт стратегиясида партияимиз гоғларни рўёбга чиқишга шароит яратадиган қатор ташаббуслар белгиланди. Мана шу жиҳатлар конституциявий асосни янада мустаҳкамлашни тақозо этади. Партияимиз давлат бошқаруви тизимини ислох этиш, давлат ҳокимияти органларининг дахлсиз, фуқаролар олдидagi ҳисобдорлиги ва масъулиятини ошириш нукта-ни назардиган Конституцияга ўзгариш-лар ва қўшимчалар киритилишини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

**Хайрилло ҒАФҒОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари:**

— Қўп асрлик бой миллий ҳуқуқий мерос, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар, илгор ҳорижий конституциявий тажрибаларга таяниб яратилган ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи Асосий Қонунимиз давлатимиз мустақилигининг рамзи бўлиб, унда ўз истиқлол ва тараққиёт йўлиимиз акс этади. У халқимиз хоҳиш-иродасини ифодаловчи демократик давлат, фуқаролик жамияти ва эркин ҳаёт қуриш ҳамда уни ривожлантиришнинг истиқболларини белгилайди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда сиёсий, иқтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳаларда амалга оширилган тул ислохотлар ҳамда кенг жамоатчиликнинг тақлиф ва истақларини инобатга олган ҳолда Бош қўмитасини тақомиллаштиришни давр тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Экологик партиясидан

**Халқ сўзи**

2022 йил 25 май

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»**ги 543–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–409-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 274-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 8, 470-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **8-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **111-модда:** **номидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг»** деган сўзлар **«Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмининг биринчи хатбоши** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги»;

**иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Экологик назорат тўғрисида»**ги ЎРҚ–363-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 12, 352-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 9, 591-модда, № 11, 791-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800-модда) **11-моддасига** қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ БИЛАН КАФОЛАТЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид долзарб масалалар билан бир қаторда, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама қилинди.

Қуриб чиқилган барча масалага халқ вакиллари томонидан чуқур масъулият билан ёндашилиб, конструктив, қизгин фикр-мулоҳазалар билдирилди, асосли таклифлар ўртага ташланди.



Солиқ маслаҳати соҳасидаги муносабатлар тартибга солинад

Мажлисида янги ном билан кирган — “Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш ва ишчи гуруҳ йиғилишларидаги муҳокамалар жараёнида депутатлар, мутахассислар томонидан билдирилган фикр ва таклифлар ишчи гуруҳ томонидан қўриб чиқилиб, лойиҳага улар асосида тегишли ўзгариш ва қўшимчалар, бир қатор тахририй тузатишлар киритилди. Хусусан, мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишга “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги ном билан киритилган эди. Солиқ маслаҳати фаолият тури бўлганлиги, киритилаётган нормалар фаолиятга оидлиги сабаб депутатлар таклифига асосан унинг номи ўзгаришди.

Шунингдек, қонун лойиҳаси билан малака сертификатини олиш учун талабгорга камида беш йил иш стаж, жумладан, иқтисодий ёки юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стаж талаби енгиллаштирилди, уч йиллик талаб икки йил қилиб белгиланмоқда.

Бундан ташқари, бир хизмат учун икки маротаба ҳақ тўланишининг олдини олиш мақсадида тест сновларини ўтказишга ихтисослашган юридик шахсларга малака имтиҳони ўтказишда хизмат ҳақи талабгорлардан қопланиши тўғрисидаги меъёр чиқариб ташланди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси самарали фаолият кўрсатишда қонунчилик маслаҳатчилари институтини шакллантиришга, соҳадаги муносабатларни тартибга солишга,

Солиқ мулоҳазаларида сўнг қонун лойиҳаси халқ вакиллари томонидан қабул қилинди.

Лойиҳа нега қайтарилди?

Депутатлар янги ном билан кирган — “Электрон далиллар билан ишлаш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда атрофлича қўриб чиқди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси биринчи ўқишга “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ном билан киритилган эди. Лойиҳадаги нормалар ҳамда депутатлар берган таклифлардан келиб чиқиб, у ишчи гуруҳ томонидан ўзгаришди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан электрон далилларга қандай ҳужжатлар, маълумотлар киритилиши белгиланмоқда. Яъни овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвирлардан иборат маълумотлар электрон далиллар ҳисобланиши назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, процессуал қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдирishга, янги институтларни жорий этишга, оид судлов сифатини оширишга, суд иш юритувини тақомиллаштиришга хизмат қилади.

Қизгин ўтган муҳокамада депутатлар томонидан лойиҳа юзасидан айрим эътирозлар билдирилди. Ундаги айрим моддаларни қайта ишлаш ва маромига етказиш бўйича таклифлар айtilди. Билдирилган фикрлар инобатга олинган ҳолда

қонун лойиҳаси масъул қўмитага қайтарилди.

Оворагарчиликларнинг олди олинади

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси халқ вакиллари томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марка-зига жойлаштириш тўғрисидаги иш-лар вилоят марказларида жойлаш-ган туманларо муаммурий судлар томонидан қўриб чиқилади. Бу, ўз навбатида, ҳудудларнинг географик нуқтани назардан бир-биридан узоқ-лиги сабабли маълум қийинчилик-ларни келтириб чиқармоқда.

Хусусан, Тошкент вилоятида маъ-мурий ишлар бўйича ягона туман-лараро суд мавжуд бўлиб, у Нурафшон шаҳрида жойлашган. Ички ишлар органлари муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс-ни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги имти-мос-нома ва тасдиқловчи материаллар-ни 50 — 60 км. узоқликда жойлаш-ган маъмурий ишлар бўйича Нурафшон туманларо судига тақ-дим қилиди. Шунга ўхшаш ҳолатни бошқа ҳудудларда ҳам кузатиш мумкин, айрим ҳолларда бу масо-фа 100 км.дан ҳам кўпни ташкил қилади.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги ишларни қўриш ваколати маъмурий судлардан олиб ташлан-япти. Ушбу тоифадаги ишларни қўриш эса хижоат ишлари бўйича туман, шаҳар судлари ваколатига кўриптилмоқда.

Қайд этилганидек, қонун лойи-

ҳасининг қабул қилиниши ички иш-лар органларининг муайян яшаш жойи бўлмаган шахсларни реабилитация қилишга қаратилган фао-лиятининг самарадорлигини оши-ришга, оптича оворагарчиликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Бўшлиқлар бартараф этилмоқда

Мажлисида бир гуруҳ депутат-лар томонидан ишлаб чиқилган — “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов жараёни тақомиллаштирилиши муносаба-ти билан Ўзбекистон Республи-касининг айрим қонун ҳужжатла-рига қўшимча ва ўзгаришлар кир-итиш тўғрисида”ги қонун лойи-ҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойи-ҳаси янги маъмурий-ҳудудий бир-лиқлар ташкил этилиши ёки маъ-мурий-ҳудудий бирлиқлар чегара-лари ўзгаририлиши муносабати билан сайлов округлари чегара-лари ўзгарганда ушбу округлар-дан сайланган депутатларнинг ва-дидлари билан боғлиқ, шунинг-дек, янги ташкил этилган маъму-рий-ҳудудий бирлиқларда сайлов-ларни ўтказишдаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф қилиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Таҳлил натижаларига кўра, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали исло-хотлар натижасида маъмурий-ҳуду-дий бирлиқларни ташкил этиш ёки уларнинг чегараларини ўзгариши билан боғлиқ ҳолатлар сони ош-ган. Жумладан, маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича Қонун-чилик палатаси ва Сенат томони-

дан 2017 — 2019 йилларда 18 та, 2020 — 2022 йилларда 7 та қарор қабул қилинган.

Шаклланган амалиётга мувофиқ, қонунчиликда бу йўналишда айрим муаммолар мавжуд эди. Хусусан, чегараси ўзгартirilган ҳудуд депу-татларини янги ҳудуддаги маҳаллий Кенгаш таркибига қўшиш ва улар-нинг ваколатларини Кенгаш вако-латларига мувофиқлаштиришнинг қонуний механизмлари, янги ҳудуд-да маҳаллий Кенгашни шаклланти-риш доирасида сайлов округларини тузиш, депутатлик ўринлари учун сайловларни ўтказиш тартиби, янги маҳаллий Кенгашнинг ваколатлари мuddатини белгилаш масалалари қонунчиликда назарда тутилмаган эди. Мазкур жараёнларни ўтказиш-нинг қонуний асослари ҳамда аниқ механизмларини мавжуд эмаслиги бу масала бўйича турли хил ёндашув ва талқинларнинг шаклланишига олиб келаеттир.

Ўқоридигилардан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳаси билан 1 та кодекс ва 2 та қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклиф этил-моқда. Жумладан, “Халқ депутатла-ри вилоят, туман ва шаҳар Кенга-ши депутатининг мақоми тўғриси-да”ги Қонунга сайлов округининг ҳудуди бошқа маъмурий-ҳудудий бирлиқ таркибига ўтказилганда ёки унинг ҳудудида янги ҳудудий бирлиқ ташкил этилганда, ушбу сайлов ок-ругларидан сайланган депутатнинг ваколатлари мuddати тугатилмасли-ги, депутатнинг ваколатлари мuddат эса мазкур халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг ваколатла-ри мuddатига мувофиқ бўлиши на-зарда тутилмапти.

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига янги ташкил этил-ган вилоят, туман, шаҳарда халқ де-путатлари Кенгашига сайловни ўтқа-зиш учун сайлов округлари сонини белгилаш ва ушбу округларни, янги ташкил этилган маъмурий-ҳудудий бирлиқларда сайловни ўтказиш бўйича тегишли сайлов комиссия-ларини тузиш ҳамда янги ташкил этилган ҳудудий бирлиқларда ма-ҳаллий Кенгашларга амалдаги ма-ҳаллий Кенгашлар ваколати мuddа-тига сайланиши ва сайловни ўтқа-зишга оид қондалар белгиланаёттир.

Мажлисида қонун лойиҳаси депу-татлар томонидан қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Ўрганиш

Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Дилором Тошмухамедова, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Луиза Ҳикматова ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокидаги ишчи гуруҳ томонидан тез тиббий ва шошилишч ёрдам хизмати муассасалари фаолияти батафсил ўрганилди.

Навбатчилик сўст ташкил этилган

Хусусан, ишчи гуруҳ вакиллари мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган ҳудудий дастурини ишлаб чиқиш жараёни, Тошкент шаҳар тез тиббий ва шошилишч ёрдам 1-подстанция фаолиятини таҳлилдан ўтказди.

Тизимда яратилган шарт-шароитлар, колл-марказ фаолияти, чакирқиб билан ишлаш, подстанция ходимларига келиб тушаётган мурожаат ва кўрсаткичлар ҳолати ҳамда жиддий жараёнлар малакали шифокорлар томонидан қай ҳолатда назоратга олинаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Айни чоғда тез ёрдам бригадаси таркибидagi реаниматор ва психиатр фаолиятига эътибор қаратилиб, Жанубий Корея мутахассислари ёрдамида ташкил этилган симуляцион марказ фаолияти кўздан кечирилди.

Тиббиёт ходимлари билан ўтказилган суҳбат давомида тез тиббий ва шошилишч ёрдам фаолиятига тўқсонлик қилаётган омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар билдирилди. Хусусан, йўллардаги тирбандликлар туфайли тез ёрдам бригадалари беғом олдига ўз вақтида етиб боришга ва текзор тиббий ёрдам кўрсатишга қийналаётгани айтиб ўтилди. Ўйлар ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан бунга ечим сифатида тез тиббий ёрдам ва бошқа махсус автомашиналар учун автйўлларда алоҳида махсус йўлакларни ажратиш таклифи илгари сурилди.

Бундан ташқари, суҳбат давомида аҳолига тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати даражасини ошириш учун мавжуд қўчаларни номлаш ва рақамлаш, реаниматор шифокорларни қўлайлиги зарурлиги айтилди.

Шундан сўнг ишчи гуруҳ томонидан Юнусобод туманидаги 56-оилавий поликлиникадаги мобиль шошилишч ёрдам муассасаси фаолияти ўрганилди. Маълум бўлишича, бу ерда 24 соатлик навбатчилик сўст даражада ташкил этилган.

Ишчи гуруҳ томонидан соҳада аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрланиб, Олий Мажлис Сенатининг тегишли қўмитасига киритилди.

«Халқ сўзи».

«ИНСОН ҚАДРИ» ПЛАТФОРМАСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Пойтахтимизда “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан “Инсон қадри” онлайн платформаси ҳамда “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўплами тақдимидаги бағишланган халқаро анжуман ташкил этилди. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг ижросига масъул бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар, ННТлар ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари, хорижий давлатлар элчилари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, экспертлари ҳамда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этиди.

Тақдимот

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев очди.

У ўз сўзида Тараққиёт стратегиясида “Инсон қадри учун” деган тамойилни ҳаётда тўла рўёбга чиқариш вазифаси аяқол акс эттирилганини, унинг замирида ҳар бир инсоннинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечириши, фундаментал ҳуқуқ ҳамда эркинчиликларини таъминлаш, ҳар бир шахс учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экология муҳит яратиб беришдек устувор мақсад ва вазифалар мужассамлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

“Тараққиёт стратегияси” маркази иж-рочи директори Элдор Туляков “Инсон қадри” онлайн платформаси тақдимиотини ўтказди.

Тақдимот давомида порталнинг ишлаш механизми ва ундан қўпилаётган натижа-лар тўлақонли ёритиб берилди. Жумла-дан, эндиликда “davlatdasturi.uz” онлайн платформаси орқали аҳоли давлат дас-турларида белгиланган чора-тадбирлар-нинг ижроси билан батафсил танишиши, шунингдек, тегишли йўналиш ва унда амал-га оширилиши белгиланган ишлар иж-роси юзасидан ўз фикр, таклиф ва эътиро-зларини билдириши ҳам мумкин бўлади.

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дас-турининг ижроси тўғрисидаги маълумот-лар онлайн порталда мунтазам янгила-ниб борилади. Бу эса Тараққиёт страте-гияси ва Давлат дастури ижросининг шаф-фодлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, Давлат дастурининг ҳар бир бандининг ижро ҳолатини кўрсатиб ўтиш имконияти яратилган. Мазкур имко-ниятлар тегишли давлат органларининг Давлат дастури ижроси бўйича масъули-яти ва ҳисобдорлигини оширади. Энг му-ҳими, порталда амалга оширилган исло-хотларни ўз ҳаётида ҳис қилиши керак бўлган фуқароларда ижро ҳолати бўйича ўз муносабатларини фото, видео ёки элек-трон ҳужжатларни юклаш орқали ҳам жўна-тиш имконияти яратилган. Шунингдек, пор-талга Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурининг ижроси натижалари юзаси-дан инфографик маълумотлар, видео ро-лик ва таҳлилий шарҳларга оид маъ-лумотлар кириштирилганлиги, кенг жа-моатчиликнинг бу жараёнда амалга оширилаётган ислохотлардан хабардор бўлишга хизмат қилади.

Онлайн порталда Тараққиёт стратегия-сини 2022 йил — “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”га амалга оши-ришга оид Давлат дастурида белгиланган 398 та банд ҳамда йўналишлар доираси-да назарда тутилган чора-тадбирлар бўй-ича маълумотлар жойлаштирилган. Хусусан, белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳола-ти — “бажарилган”, “бажарилмоқда” ҳамда

“бажарилмаган” кўринишда акс эттириб борилади.

Анқуманда, шунингдек, Тараққиёт страте-гиясида белгиланган 7 та устувор йўна-лиш ва уни амалга оширишга қаратилган 100 та мақсад ҳамда кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзе-бекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўпла-ми тақдими ҳам ўтказилди. Ҳозирги кун-да мазкур тўплам парламент палаталари, вазирлик, идора ва ташкилотлар, ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа инсти-тутлари ҳамда бошқа бир қатор таш-килотларга ўз фаолиятларида фойдала-ниши учун тақдим этилмоқда. Шунингдек, тўплам инглиз, хитой ҳамда италян тил-ларида ҳам чоп этилиб, мамлакатимиз ва хориждаги элчихоналар, халқаро таш-килот ва кенг жамоатчилик учун ҳам етқа-зилди.

Портал ҳамда тўплам тақдимиотига ба-ғишланган тадбирда “Тараққиёт стратегия-си” ижросини таъминлашда парламент ва жамоатчилик институтларининг ўрнини оши-риш”, “Тараққиёт стратегияси” ижроси мо-ниторингини амалга оширишда рақам-лаштириш жараёнини ташкил этиш”, “Та-раққиёт стратегияси” доирасида амалга оширилаётган ислохотларни баҳолаб бо-лиш механизмиларини яратиш”, “Тараққиёт стратегияси ва уни амалга ошириш жа-раёнида эришилган натижаларни кенг жа-моатчиликка етказишда ОАБнинг ролини ошириш” мавзуда маърузалар тингланди.

Қизилқарни ахборот ва аниқликларга бўлиб тақдимот якунида мазкур пор-тал “Тараққиёт стратегияси” маркази жа-моаси томонидан мунтазам равишда та-қомиллаштириб борилиши, бунда жамо-атчилик томонидан билдирилган фикр-му-лоҳазаларга доимий равишда эътибор қаратилиши маълум қилинди.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН КАМЧИЛИКЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиклиқни таъминлаш масалалари қўмитаси мажлисида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуннинг Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда “Худудгазастаъминот” акциядорлик жамияти томонидан ижро этилишини ўрганиш якуни муҳокама этилди.

Муҳокама

Қайд этилганидек, очиклиқни таъмин-лаш борасида муайян ишлар бажарил-ган. Масалан, “Худудгазастаъминот” АЖ томонидан амалга оширилаётган лойи-ҳалар, табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автомат-лаштирилган тизимини жорий этиш ва истеъмолчиларга яратилаётган шароит-

лар юзасидан оммавий ахборот восита-лари орқали шу йилнинг биринчи чора-гида 900 дан зиёд материаллар эълон қилинган. Айни чоғда ўтган йил ва 2022 йилнинг биринчи чорагида ҳамият ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан 64 маротаба матбуот анжумани, брифинг ва пресс-турлар уюштирилган. Қолаверса,

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазир-лиги раҳбариятининг Интернет ва ижти-моий тармоқларда 200 га яқин чиқишлари ва баёнотлари амалга оширилган.

Тадбирда шу каби ижобий ҳолатлар эътироф этилгани ҳолда, ушбу идора-лар, уларнинг ҳудудий бошқармаларида очиклиқни таъминлаш бўйича йўл қўйил-ган камчиликлар танқид қилинди. Хусу-сан, “Худудгазастаъминот” АЖ томонидан расмий веб-сайт ҳамда Очик маълумот-лар портали (data.egov.uz)да очик маъ-лумотлар эълон қилинмаган.

Ўз фаолиятида оид ҳисобот, давлат харидлари, хусусан, давлат харидларини амалга оширувчи шахслар томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича ха-рид қилинадиган товарлар (ишлар, хиз-

ЭССЕЛАР ТАНЛОВИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси раҳбарияти ва Ёшлар парламенти вакилларининг “Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!” шиори остидаги республика эсселар танлови иштирокчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув

Таъкидланганидек, мазкур танловни ўтказишдан мақсад — ёшларни ватан-парварлик, бағрикенглик, қонунлар, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ҳамда дунёқараш, улуг мақсадларга эга шахслар сифатида тарбиялаш, учинчи Ренессанс пойде-ворини қуришда ёшларнинг фаол иш-тирокани таъминлаш ва дахлдорлик фаэлиятини қарор топтиришдир.

Тўрт босқичда — факультет, олий таъ-лим муассасаси, Қоракалпоғистон Рес-публикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва республика миқёсида ўтказилаётган эсселар танлови иқтидорли, интилувчан, ижодкор талаба-ёшларни аниқлаш им-конини бермоқда. Хусусан, танловнинг факультет, олий таълим муассасаси босқичларида сараланган ҳамда ҳудудий босқичда фахрли ўринларни эгаллаган голиблар танловнинг республика босқичида иштирок этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов билан “Тараққиёт стра-тегияси — келажақ учун мустақкам за-мин” мавзусида бўлиб ўтган учрашув ёшларда катта таассурот қолдириши

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

ТИЗИМГА УЧ ИДОРА РАҲБАРЛИГИ БОИС ТУШУНМОВЧИЛИКЛАР КЕЛИБ ЧИҚМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар, қўриб чиқилган бошқа масалалар, тез тиббий ва шошилишч ёрдам тизимини тақомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар мазмун-моҳиятини мутасаддилар ва жамоатчиликка етказиш, маҳалла раислари сайлови жараёнини бевосита кузатиш мақсадида сенатор А. Тўйчиев Сирдарё вилоятида бўлди.

Дастлаб Гулистон шаҳрида ўтқа-зилган учрашувда Тараққиёт страте-гиясида белгиланган вазифалар иж-роси, эришилган ютуқларга батафсил тўхталиб ўтилди.

Шундан сўнг сенатор тез тиббий ва шошилишч ёрдам хизмати фаоли-ятини тақомиллаштириш борасида амал-га оширилаётган ишлар билан таниш-ди. Айни жараёнда Мирзобод ва Сай-хунбод туманларида аҳолининг тез тиббий ёрдамга мурожаати, уларнинг чақирувга белгиланган вақтдан кечи-киб келиши, ягона бошқарув тизими йўқлиги, тизимга раҳбарлиқни бир пайт-нинг ўзида учта идора амалга ошири-ш боис турли тушуномовчиликлар ке-либ чиқаётганлиги аниқланди.

Танишув жараёнида бугунги кунда тез тиббий ёрдам маҳаллалар кесимида тақ-

симлангани ва бошқа маҳалла фуқарола-рига хизмат кўрсатиш имконияти чеклан-гани, чақурув хизматларини ўзаро инте-грациялаш зарурлиги ҳамда поликлиника-да тез ёрдамни йўлга қўйиш, колл-мар-казлар фаолиятини янада тақомиллашти-риш, моддий-техник жиҳатдан янгиллаш чо-раси қўпилаётгани маълум бўлди.

Сенат аъзоси маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сай-лови жараёнида ҳам иштирок этиди. Сай-лов жараёни тегишли қонун талаблари ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорлари асосида бўлиб ўтаётгани эътироф этилди.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Сена-тига фуқаролардан йўлланган мурожаат-ларни жойида ўрганиш мақсадида сена-тор иштирокида сайёр қабул ўтказилди.

«Халқ сўзи».

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚИЙ МЕБЁРЛАРДАН БЕҲАБАРДИР, КАДАСТР ИДОРАСИДАГИЛАРЧИ?..

Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги “Оқ олтин” МФЙда жойлашган Қавоқ қишлоғида истиқомат қилувчи 8 нафар фуқарони кадастр агентлигининг Навоий вилояти бошқармаси Хатирчи тумани бўлими ходимлари келиб, “Хонадонингиздаги қўшимча қурилган иморатларга кадастр китоби йўқ экан”, дея жаримага тортидлар.

Таажжуб

Иморатлар салкам 32 йил аввал қурилган бўлса, боз устига ҳеч ким оғохлантирган эмас. Хонадон соҳиб-лари мазкур муаммо ечимини излаб, туман адлия бўлимига мурожаат қилишди. Кадастр идораси ходими-нинг айнан шу жараёнда маъмурий чора қўллашга ваколати бор-йўқли-гига қизиқишди.

— 2021 йил 16 августга қадар, яъни кадастр ҳужжатлари тайёрлан-ган, лекин давлат рўйхатидан ўтқа-зилмаган ҳолатларда маъмурий жа-вобарликка тортиш мумкин бўлмайт-ди, — дейди Хатирчи тумани адлия бўлими бо

# «ҚАЙТА УЧРАШГУНЧА, ХАЙР, БУХОРО!»

ҚАДИМИЙ ШАҲАРДА ХАЛҚАРО ЗАРДЎЗЛИК  
ВА ЗАРГАРЛИК ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ.



Кейинги кунларда Бухоро шахри чинакамига байрам оғушида бўлиб турибди. Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивали республика ёш ижрочиларининг “Шашмаком” фестивалига, шунингдек, санъаткор Фаттохон Мамадалиевнинг ёрқин хотирасига бағишланган концерт дастурига уланиб кетди.

24 май оқшомида не-не тарихий воқеаларнинг тилсиз гувоҳи бўлган қадимий Арк кўрғони олдидаги майдон минглаб одамларни ўз бағрига қорлади. Бу ерда Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалининг ёпилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

## Фестиваль

Мазкур маросим ҳақида тўхталишдан аввал давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 29 апрелдаги тегишли қарорига мувофиқ ўтказилган фестиваль тадбирлари ҳақида қисқача тўхталмоқчимиз. Дастурга мувофиқ, дунёнинг элликдан зиёд давлатидан ташриф буюрган хунармандлар, санъатшунослар, тарихчилар, экспертлар ва юқори мартабали меҳмонлар ҳамда республикаимиз вилоятларидан келган халқ амалии санъати усталари, фольклор дасталари жамоалари учун барча шарт-шароит яратилди. Арк қалъасидан то Пойи Калон мажмуасига қадар бўлган ҳудудда хунармандларнинг кўргазма-савдо ярмаркалари ташкил этилди. Бутунжаҳон хунармандлар Кенгаши (WCS) йиғилиши, “Аънавий зардўзлик ва заргарлик санъатини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция, “Қаштадўзлик — миллий қадрият: мазийга назар” номли кўргазма, хунармандларнинг маҳорат сабоқлари, “Bukhara fashion days 2022” модлар намойиши, зардўзлик марказ музейининг очилиши, халқ сайиллари — буларнинг барчаси фестивал катнашчилари ва сайёҳлар учун унутилмас лаҳзаларни ҳада этди.

Ўз навбатида, биз иштирокчиларнинг таассуротлари билан қизиқдик. Зеро, улар қаторида Африкадаги Мали давлатидан тортиб, океанорчи — Бразилиядан келган меҳмонларни ҳам учратиш мумкин эди.

— Бухорога илк бор келишим, — дейди венгриялик зардўз София Тоткурчи. — Фестивалга тақлиф қилинганимдан жуда хурсандиман. Маҳаллий зардўзларнинг иш услуби, махсусотлари билан танишдим. Узаро таъриба алмашдик. Зардўзлик буюмларимизда ўхшаш жиҳатларни ҳис этдим. Умуман, бу ерга келганимга атиги тўрт-беш кун бўлса-да, шу қисқа даврда Бухорони, унинг меҳмондўст одамларини яхши кўриб қолдим.

— Зардўзлик, заргарлик бу заминда жуда ривожланган экан, — дейди тайландлик заргар Напалат Сетгубра. — Шу боис ўзбекистонлик хунармандларга ҳавасим келди. Чунки улар учун мавзу излаш муаммо эмас. Мана бу қадимий обидлардаги нақшларнинг ўзи улар учун тайёр мавзу. Айтмоқчи, қашқадарёлик Жонибек исмли ҳаммасоим билан бирга маҳорат сабоқлари ўтдик. Икмоний туғилгудек бўлса, бу фестивалга яна келаман.

— Бухоро кутганидан ҳам сўзлаб шаҳар экан, — дейди яна бир суҳбатдошимиз Мали давлатидан келган заргар Мухаммад Ал-Мавлуд. — Заргарликка бағишланган фестиваллар дунёда ҳам ўтказилди. Шу боис ҳам мен мамлакатимиздаги раҳбарияти ташаббуси билан ташкил этилган бу анжумани “маданий ва санъат байрами” дея юксак қадрлайман. У жуда юқори савияда ўтказилди. Дарвоқе, Бухоронинг бой ўтмишидан хабардорман. Унинг маданият ва маърифат пойтахти, деган таърифа муно-

сиблигини ўз кўзим билан кўрдим. Насиб қилса, кейинги гал шаҳрингизга оила аъзоларимиз билан келамиз. Шундай экан, олис йўлга отланар эканмиз, “Қайта учрашгунча, хайр, Бухоро!” деб қоламан.

Биз чет эллик қай бир хунарманд, санъатшунос ёки сайёҳ билан суҳбатлашмайлик ана шу мазмундаги изҳорни эшитдик. Бу ҳар кимни йилда бир бор ўтказилиши кўзда тутилган ушбу халқаро фестиваль барчанинг қўнғилдан жой олиб улгургани нишонаси, албатта. Самарқандлик таниқли зардўз Шавкатжон Зоҳидовнинг қўидаги фикр-мулоҳазалари ҳам фикримиз тасдиқи бўлади.

— Мен дунёнинг қўлаб давлатларида ўтказилган фестивал ва кўргазмаларда қатнашганман, — дейди онасидан хунар сирларини ўрганиб, зардўзлик билан оилавий шуғулланиб келаётган бу йигит. — Аммо Бухородаги каби табиий, фазилли, дўстона руҳда ўтган фестивални кўрган эмасман. Шундай ажойиб анжумани ташкил этиб, биз, хунармандлар меҳнатини қадрлаётган, хунар аҳлига ҳурмат-эҳтиром кўрсатаётган давлат билан шуғулланаман. Давлатимиз, Президентимизнинг ўзи бизга хайрхош, ғамхўр. Шундай экан, бу хунарни маҳкам тутишингиз керак, деб келишим Шоирахоннинг қулониға қўйдим. Барака топсин, ишга жиддий киришди — оилавий қорхона очдик. Айни пайтда бу ерда ўн киши иш билан таъминланди. Дарвоқе, фестивалда муносиб иштирок этдик, аммо энг яхши ютуқларимиз халқ олдида, деб ишонаман.

Хунармандлар билан суҳбатимиз якунига етар-етмас Арк кўрғони олдидаги шибирга сиргани эслатувчи саҳнада қарнай-сурнай садоси янграб, барча-барчани халқаро фестивалнинг якун тоғгани муносабати билан ўтказиладиган тантанали маросимга қорлади. Бу тадбир ҳам ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Бутунжаҳон хунармандлар Кенгаши президенти Саад-ал Каддуми томонидан Бухоро шахрига “Бутунжаҳон хунармандлар шахри” мақоми берилгани ҳақидаги сертификат топширилди. Бу қўнча кентнинг халқ амалии санъати усталариға хорижий фестиваллар ва кўргазмаларда қатнашиш, ўз махсусотларини сотиш, фаолиятларини кенгайтириш борасида янги имкониятлар эшигини очди.

Маросимдаги яна бир диққатга сазовор лаҳзалардан бири — қўриқ-танлов иштирокчиларининг махсусотлари кўргазмаси ва маҳорат дарсларининг 12 номинация бўйича баҳолангани бўлди. Етти кишидан иборат тариқдаги халқаро ҳайъат аъзолари ҳулосасига кўра, энг яхши деб топилган заргарлик, зардўзлик ташкилотлари, заргар ва зардўз, ҳар иккала йўналиш мактаблари устаси, сулола даъвомчиси ва бошқа номинациялар ғолибларига махсус диплом ва пул мукофотлари тантанали тарзда топширилди.

Таниқли санъаткорлар, эстрада ва замонавий қўшиқлар ижрочилари иштирокдаги гаала-концерт илк бор ўтказилган ушбу халқаро фестивалга байрамон руҳ бағишлади.

Тантанали маросимда Бухоро вилояти ҳокими Б. Зарипов ва Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Б. Сайфуллаев қатнашди.

Истам ИБРОҲИМОВ  
(«Халқ сўзи»).

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Халқ қабулхоналари ташкил этилгани, мунтазам равишда сайёр ва оммавий қабуллар ўтказилаётгани, ижтимоий тармоқлар ҳамда виртуал қабулхоналар орқали мурожаат қилиш имконияти берилгани юртдошларимизнинг давлат органларига нисбатан муносабатини тубдан ўзгартирди, айни чоғда, улар олдиға масала қўйиш, ўз фикрини, тақлиф ва талабларини эркин билдириш учун қўлай шароит ҳам яратди.

Қарангки, бир вақтлар кичик бир муаммосини ҳам ҳал қилмай, ташкилот-ташқиёт сарсон-саргардон юрган одамлар бугун ўз уйдан чикмасдан ҳам ҳоҳлаган идорасига мурожаат қилмоқда. Давлат хизматларидан, ижтимоий ёрдам тизими-

ғул ўғиллари “илтимос, иш топиб бериңг, бекорчимиз”, дея уйқусираб чиқади. Катта даромад олиш мумкин бўлган томорқа қаровсизликдан қуриб-қақшаб, ўт-ўлан бо-сиб ётибди... Ваҳоланки, маҳаллада у билан ёнма-ён умргузаронлик қилаётган қўшнилар меҳнат қилиб, томорқадан катта даромад топаётир.

Ноғиронлиги бўлган шахс ёки кекса одамни қабулга етаклаб келиб, у ёки бу кўринишда ёрдам олиш, муболага қилиб айтганда, санъат даражасига қўтарилди. Тошкент шаҳрида, вилоятларда ҳам касбларимиз томонидан бу борада журналистик суриштирувлар ҳам олиб борилди. Аниқланишча, баъзиларнинг уйи данғиллама. Буховлида ҳамма нарсга муҳайё — фақат ўзаро меҳр-оқибат йўқ...

# БОҶИМАНДАЛИК БАЛОСИ УНДАН ҚАЧОН ХАЛОС БЎЛАМИЗ?

дан фойдаланмоқда. Бундай қулайлик, айниқса, аҳолининг имконияти чекланган, ноғиронлиги бор, кам таъминланган, эҳтиёжманд қатламга асқатаётир. Улар ўз мурожаатларини тегишли масъулларга етказишда маблағ, вақт, энг муҳими, турли асабузариқлардан қўулди. Узоғи яқин, оғири енгил бўлди.

Тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилаётгани, шаффофлик, очикилик таъминланаётгани, инсон омили қисқартирилгани ижтимоий адолатни қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Олиб борилаётган бундай ишлар мамлакатимизда инсон қаддини улғулаш, давлат идораларини халққа хизмат қилдиришга қаратилган улғувор ташаббусларнинг амалий самарасидур.

## Еттинчи қаватдаги учрашув

Исхототлар натижасида бугун қўлаб одамларнинг онғи ўзгарди. Улар давлат бераётган қўмакдан унумли фойдаланиб, тадбиркорликка қўл урди. Кам таъминланганликдан чиқиб, ишбилармон бизнес вакилига айланди.

... Бир кун тахририятга бир аёл кириб келди.

— Мен Сирдарё виллоятининг Оқолтин туманиданман. Яқинда қамқондан чиқдим, — деди у. — Бир ноғиронлиги бўлган фарзандим бор, эрим вафот этган. Фарзандимга дори-дармон етказиб беролмаганимдан ғиёҳванд моддалар сотиш билан шуғулланиб қўлга тушганман. Қамқондан чиқиб келишимдан кейин ҳаётим қандай бўлишини тасаввур қилмоқсдим. Лекин уйга келган, туман ҳокими, ички ишлар бўлими бошлиғи ҳолимдан хабар олишди. Сектор раҳбарлари ўз хусусий бизнесимни бошлаш учун тикув машиналари олиб берди, фойдаланиш учун ижарага бино олдим. Ҳозир ўнга қиз-жувонни иш билан таъминлаганман. Шу ҳақда матбуотда чиқиш қилмоқчи эдим...

Бу аёлнинг қалбида кечаётган муаммоларни тушуниш мумкин. У яратилган қулайликлардан фойдаланиб жамиятда ўрнини топишга интилоқда. Ўз меҳнати, салоҳияти билан бунга эришяпти ҳам.

Ҳаётда сизу биз билан ёнма-ён яшаётган, тумна нуксонга туфайли ёки тақдир тақдосига кўра ноғирон бўлиб қолган инсонларнинг турли соҳаларда катта ютуқларга эришаётганини, оиласини таъминлаш билан бирга эзгу ишларга қўл ураётганини кўрганингизда, меҳрингиз жўшиб кетади. Уларнинг ғайрат-шижоатига, матонатига таҳсинлар айтасиз.

Бирок “гуруч курмаксиз бўлмайди” деганларидек, орамизда давлатимизнинг ижтимоий ҳимояга қаратилган сиёсати моҳиятини тўри тушунайдиган, уни суиистеъмоқ қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Бундайлар яратилган имкониятлардан, кўрсатилган қўмакдан фойдаланиб турмушларини яхшилашга, доимий даромад манбаига эга бўлишга интилаш ўрнига турли давлат тақшилотлариға, маҳаллага қайта-қайта мурожаат қилиб, моддий ёрдам сўрашни ўзларининг “тирикчилиги”га айлантириб олганлар. Боқимандалик қайфиятиға беришган. Улар орасида, ҳатто оила-сига даромад келтирсин дея ёрдам тариқасида берилган тикув машинасини сотиб, пулини еб-ичиб юборганлар ҳам учраётганини эшитиб, дилингиз гаш бўлади.

## Биз сизни таниймиз...

...Ҳоким қабулида муштилариға бўлиб йиғлаб ўтирган аёлға раҳмингиз келди. Уйига борсангиз, тоғни урса толқон қиладиган нор-

Хозирги кунда ҳудудларда оммавий қабулларнинг “кунда-шунда”лари сифатида танилган “қаҳрамон”лар бор. Бир куни вилоят марказида, иккинчи сафар ўз туманида, пайтини пойлаб қўшни ҳудудда ташкил этилган қабулга етиб бориб, саҳнадаги актёр сингари бир оз кўз ёши тўкиб, роль ўйнаса қийос. Муродиға етгани шу! Бундайларнинг жайдари фалсафаси — “хаёт ўзи бир кундир, ўша бир кун бугундир”.

Меҳнат қилиб пул топишни ўйлаб ҳам кўрмайдиган, йил давомида қайта-қайта мурожаат қилиб, давлат ёрдамиға умид қилишдан уялмайдиган бу каби ҳамоқтларидан

“гуруч курмаксиз бўлмайди” деганларидек, орамизда давлатимизнинг ижтимоий ҳимояга қаратилган сиёсати моҳиятини тўғри тушунайдиган, уни суиистеъмоқ қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Бундайлар яратилган имкониятлардан, кўрсатилган қўмакдан фойдаланиб турмушларини яхшилашга, доимий даромад манбаига эга бўлишга интилаш ўрнига турли давлат тақшилотлариға, маҳаллага қайта-қайта мурожаат қилиб, моддий ёрдам сўрашни ўзларининг “тирикчилиги”га айлантириб олганлар.


Биз эр-хотиннинг кунни ёрдам пулиға қолгани-ю, тегишли идораларга қатнаб умур ўтаётганининг сабаби жуда оддий: ишқасмаслик ва боқимандалик. Касбга қўйиб қўйишган, уй беришган, моддий ёрдам доим тайёр. “Тилла балиқ”қа тилганини айтса-ю, бир зумда муҳайё бўлса, кимга ёқмайди! Мурожаат ёпилиши, қўлоғи-миз тиниши учун сўраганини беравериб, бундай инсонларни ўзимиз боқимандаликка ўргатиб қўйма-яғимизми?

## Лотереяга «тилла балиқ» ютган аёл

Фаргона виллоятининг Қўқон шаҳрида яшовчи М. Барно қўшни ҳудуд — Дангара туманида турилган. Латиф шаҳарда ижарада яшайди. Уй эгаси ушбу оилға енгиллик, ёрдам бўлсин, дея ижара тўловини арзонлаштириб, ойига 200 минг сўм ҳақ олган. Дастлаб М. Барно ижара тўлови масаласида ёрдам сўраб мурожаат қилган, давлат томонидан икки ойлик ижара пули 400 минг сўм тўлаб берилди.

Кейинги икки йил давомида бу оилға ҳокимлик масъулияти томонидан оқсик-овқат махсусотлари ва пул маблағлари бериб келинди, уч нафар вояға етмаган фарзанди учун 1,5 миллион сўм микдорида ёрдам пули акратилди. 2022 йилдан бошлаб эса унала фарзандиға ҳам бошлар нафақаси тайинланди. Бошпанаси йўқлиги сабабли 2021 йилнинг 5 август кунини шаҳардаги қўп қаватли уйда жойлашган оилавий ётоқхонадан икки хонали тураржой билан таъминланди.

“Агробанк” АТБ Қўқон шаҳар филиали томонидан 17 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, тикув машинаси ҳада қилинди. Бирок тикув машинасини “эҳтиёжи учун” сотиб юборган, “Тадбиркор аёл” ўқув марказида бепул касбга ўқитилиб, шаҳар ҳокими томони-



дан иккита тикув машинаси берилди. Бирок М. Барно орадан ҳеч қандай ўтмай уларни ҳам сотиб юборди. Ваҳоланки, тикувчилик билан шуғулланиб, даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш мақсадида унга 2021 йилнинг ўзида мато сотиб олиши учун Фаргона вилояти ва Қўқон шаҳар ҳокимлиги томонидан 8 миллион сўм нақд пул ажратилган. Қўқон шаҳар “Соволат ва кўмак” жамғармаси томонидан пластик картасига бир неча маротаба маблағ ўтказиб берилган...

Хуллас, оила аъзолари умумий ҳисобда давлат томонидан ҳоимийлик асосида берилган 9 та тикув машинасини сотиб юборган.

кин яшабини таъминловчи, турли тақши ва ички тақшидлардан ҳимояловчи сифатида ўз вазифасини бажаради. Жамиятда боқимандалик қайфияти шакланмаслиги ёки унга барҳам бериш учун оилаларда маънавий-руҳий тарбия муҳити барқарор бўлишиға ҳаракат қилади.

Бугун жамият ва шунга монанд равишда дунёқарашимиз ўзгарди. Халқнинг дарди, орзу-умидлари билан қўшиқадиган муҳит пайдо бўлди. Лекин сеҳнатимизимизда баъзи қўсурлар ҳаётимиз фаровонлиги таъминланиши, мамлакатимиз ҳар жабҳада жадал ривожланишиға жиддий тўқсичлик қияпти.

Очигини айтганда, замон шиддат билан ўзгараётгани натижасида баъзилар масъулиятдан қўчиб оосингга боқимандалик йўлини танлаётгани ҳам бор гап. Бу тоифадагилар янги, илгор қарашларға, қадриятларға уйғунлаша олмай, юзаға келаётган қўйинчиликлар сабабини давлатта тўнқаша интилади. Лекин қарс икки қўлдан чиқади: эзгу мақсад йўлида барчамиз биргаликда ҳаракат қилсакгина бу масалаға ечим топиш мумкин.

## Иситмаси ошкор қилган дард

Яқин-яқингача ҳам мамлакатимизда аҳолининг маълум бир қатлами оғир шартларда турмуш кечиряётгани тан олинмас эди. Нюҳоят, давлатимиз раҳбари ана шу оғирлиқ масалаға эътибор қаратиб, унинг ечимини содда ва раво қилиб айтди: “Камбағаллини камайитриш ойлик ёки нафақа микдорини қўлайитриш, ёлпасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли давонлаш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак”.

Агар камбағал қатламнинг ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашиш имкониятлари кенгайтирилса, бу уларнинг ишчилари ёки тадбиркорлар сифатида иқтисодий ўсиш жараёнларидаги иштирокини ҳам таъминлайди. Масалан, Хитойда ана шу сиёсат туфайли ушбу муаммоға самарали ечим топилагани фикримиз далили бўла олади.

Ортимизда камбағаллини камайитриш борасида амалга оширилган ишларда “темир дафтар” муҳим ўрин тутмоқда. Бу тизим эҳтиёжмандларға фақатгина пул ёки оқсик-овқат билан ёрдам беришни назарда тутмайди. У, биринчи навбатда, кам таъминланган аҳоли қатламини ишга жойлаштиришга қаратилган. Бундан мақсад — эҳтиёжманд аҳолини тўғри аниқлаш ва шу асосда улар билан манзилли ишлашни ташкил этиш. Биринчи навбатда, камбағал аҳолининг асосий эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш зарур.

Такрор бўлса ҳам афсус билан айтмаймики, бугун орамизда боқимандаликка муккасидан кетган одамлар пайдо бўлди. Уларға меҳнат қилиб, даромад топишга интилиш кераклигини тушутириб бўлмайди. Ундай десанг, бундай дейдй, бундай десанг, ундай дейди, хуллас, баҳона бисёр. Ҳар қан-

Хуллас, барчамиз севиб томоша қиладиган фильм қаҳрамони айтганидек, яшаш яхши, яхши яшаш ундан ҳам яхши. Яхши яшаш учун эса аввало, меҳнат қилиш керак. Инсоннинг табияти қизик. У баъзан кўз илғамас олис самолардан мўъжизалар кутади. Аммо академик шохримиз Фафур Фулом табири билан айтганда, ғойибдан келажак бахт бир афсона. Бахт ўз қўлимизда, унга ўқини-ўрганиш, сидқидилдан қилинган меҳнат орқали эришилади. Меҳнатнинг тағи роҳат эканлигини эса бугун ғайрат-шижоатини, қучу салоҳиятини эзгулик йўлиға, бунёдкорликка бағишлаганларнинг тўқис ва фаровон ҳаёти исботлаб турибди.

Фахри ДИЁРОВ  
(«Халқ сўзи»).

### Халқ сўзи

## Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 31 488 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Гезитамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-қўднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

**ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЁЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛАЙДИ.**

Гезитанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезита тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Гезитанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**“ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ. ҚОРХОНА МАНЗИЛИ:**  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.28 Тошпирилди — 00.50 1 2 3 4 5 6